Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 18 сентябрь, № 182 (6365) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

24 йил

Халқимиз мустақиллигимизнинг 24 йиллигини кўтаринки кайфиятда нишонлади. Мана шундай шукуҳли дамларда босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканмиз, ҳар бир соҳада қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлар тимсолида Истиқлол деб аталмиш бебаҳо неъматнинг қадрини янада теранроқ ҳис этамиз. Айни пайтда бундай ютуқлар замирида жуда катта куч ва меҳнат ётганини ҳам яхши англаймиз.

«Ўзбек модели»:

ЎЗИНИ ОҚЛАГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Дарҳақиқат, ҳеч бир натижага шунчаки эришиб бўлмаганидек, Ўзбекистоннинг ҳам бугунгидек барқарор ривожланаётган, дунёнинг ҳайрат ва ҳавасини келтираётган мамлакат сифатида ном қозониши ўз-ўзидан бўлган эмас. Чунки мустақиллик қўлга киритилгунигача, собиқ Иттифоқ даврида республикамиз жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муаммолар гирдобида қолиб кетган эди. Халқ ўртасида тушкунлик, эртанги кунга ишончсизлик кайфияти кенг тарқалганди. Бу даврнинг оғир ва аянчли манзарасига баҳо берган давлатимиз раҳбари юзага келган танглик ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деганди: “Шу нарса шак-шубҳасиз ва очиқ-ойдиндирки, республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охирги ўринлардан бирида турибди. Биз бу рақамларни илгари ҳам неча марталаб айтганмиз, аммо бугун уларни яна бир бор идрок этмоқ керак. Ўзбекистон ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст. Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртача Иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифоқдош республикалар орасида энг охирги ўринлардан бирида турибмиз”.

(Давоми 2-бетда).

Ҳасан ПАЙДОЕВ («Халқ сўзи») ва Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади

Долзарб қонун лойиҳаси — муҳокамада

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан парламент назоратини амалга оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Унда қуйи палата депутатлари, Сенат аъзолари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), тегишли вазирлик ҳамда идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, олий таълим муассасалари профессорлари, шунингдек, ҳуқуқшунос олимлар ва журналистлар қатнашди.

Президентимизнинг парламент палаталарининг шу йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида конституциявий ислоҳотлар нуқтаи назаридан Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозимлиги таъкидланган эди.

(Давоми 2-бетда).

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий юксалтиришнинг муҳим шарти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, вазирликлар ҳамда идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари, кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, илмий доиралар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда қайд этилганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда чет эл хусусий инвестицияларини тўғридан-тўғри жалб қилишни ҳар томонлама рағбатлантиришга ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва институционал база яратилди. Иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор принциплари ҳамда механизмларини жорий этиш, қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча маъмурий-буйруқбозлик билан боғлиқ тўсиқ ҳамда ғовларни бартараф қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимизда Ўзбекистон ҳукумати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан имзоланган 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган Тараққиётга кўмак дастури (ЮНДАФ)нинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Янги дастур тақдимоти

Унда қатор халқаро ташкилотлар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси парламенти аъзолари, вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш, бозор муносабатлари ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилган ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда қисқа даврда давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш, хусусий мулк устуворлиги асосида иқтисодиётни модернизация қилиш ва эркинлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга доир туб ўзгаришлар рўёбга чиқарилди.

Ҳали-ҳануз давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш ҳажми саккиз фоиздан юқори бўлиб келмоқда. Бу аҳолининг турли қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш соҳасида ижтимоий сиёсатни самарали амалга ошириш имконини бераётир. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилиб, юксак салоҳиятга эга, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш тизими шакллантирилди. Аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши, айниқса, қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини замон талаблари асосида мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолини бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш каби муҳим йўналишларда кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Хусусий сектор фаолияти

давлатимиз томонидан изчил қўллаб-қувватланмоқда

Андижон вилоятида “2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” мавзуига бағишланган конференция-семинар бўлиб ўтди.

КОНФЕРЕНЦИЯ

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи, назорат қилувчи ва суд органлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, молия муассасалари раҳбарлари, вилоятнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган тадбиркор ва фермерлар иштирок этган мазкур тадбирда Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш, тадбиркорликка янада кенг имконият ва имтиёзлар яратиш масалалари хусусида сўз юритилди.

Таъкидландики, юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб хусусий мулк эгаларини ҳимоялаш, иқтисодиётда тадбиркорлар улушини ошириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга доир қонун ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар узлуксиз такомиллаштирилаётгани соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чиндан ҳам, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли имтиёзлар берилаяптики, бу пировардида соҳа вакилларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янги босқичга кўтармоқда. Сўнгги йилларда янги таҳрирдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги каби 15 дан ортиқ қонунлар қабул қилингани ана шундан далолат беради.

Айни пайтда Андижон вилоятида 23 минг 500 га яқин тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаётган бўлса, уларнинг барчаси яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, иш кўламини тобора кенгайтириб олмоқда. Охирги 15 йил ичида солиқ ва бошқа ижтимоий тўловларни ўз вақтида тўлаб, фаолиятини қонуний асосда, пухта ташкил этган 850 та, 10 йилдан буён 2 минг 700 та, 5 йилдирки, 12 минг 200 та субъектда солиқ текширувлари ўтказилмагани бунинг тасдиғидир.

Конференция-семинарда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши раисининг ўринбосари Б. Парпиев, вилоят прокурори М. Эгамбердиев ва бошқалар ишбилармонларнинг иқтисодиётимиздаги аҳамиятини ошириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чекловларга барҳам бериш, соҳа вакилларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини изчил ошириб бориш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароитлар яратиш, рағбатлар беришда мазкур Фармон дастуриламал бўлаётганини алоҳида қайд этди.

(Давоми 2-бетда).

Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлод

эртанги кунимизнинг бунёдкорларидир

МАЪНАВИЯТ

Кеча Тошкент ва Нукус шаҳарлари, шунингдек, барча вилоят марказларида “Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги!” шиори остида “Болалар китоби” иккинчи республика фестивали бошланди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, “Ўздавкитобсавдотаъминот” масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида эса фестивалнинг очилиш маросими ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми

10,4 фоиз ошди.

2012 — 2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури ижроси доирасида кўплаб сервис хизматлари кўрсатиш объектлари ташкил этилгани, уларнинг аксарияти қишлоқ жойларда ишга туширилиб, аҳолининг замонавий хизмат турларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилгани ана шундай юқори ўсиш суръатига эришишда муҳим омил бўлди.

«Ўзбек модели»:

ЎЗИНИ ОҚЛАГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунинг ўзиёқ мустабид тузум даврида собиқ Марказ беписанд сиёсат юритгани, “Сизларга бўлаверади” деган қараш билан муносабатда бўлганини яққол тасдиқлайди. Энди ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг. Жуда катта бойликка, ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларига, қулай табиий иқлим шароитларига эга бўлган юртимизни қолоқ бир аграр ўлкага, яъни фақат қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритиб, хом ашё етказиб берадиган базага айлантирилгани адолатдан эдими? Натижада яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмасди, ижтимоий инфратузилма аянчли аҳволга тушиб қолганди.

Президентимиз юзага келган вазиятни чуқур таҳлил қилар экан, “Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди” дея ҳаққоний бир хулосага келади ҳамда ўз фаолиятида ислоҳотчилик, элюртнинг дарду ташвишлари энг олий мезон бўлиб қолишини очиқ баён этади.

Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин унинг таркибида бўлган кўпгина республикалар бошқа давлатлар узоқ йиллар давомида эришган марраларга тезда эришмоқчи бўлишди. Ҳаммадан ўзиб кетамиз, деган баланд-парвоз гаплар айтилди. Лекин шошмашошарлик билан узоққа бориб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб қўйди.

Хўш, бизда юритилаётган сиёсатнинг ўзига хослиги нимада? Юртбошимиз мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида бу ҳақда тўхталиб, жумладан, шундай деди: “Ҳеч кимга сир эмас — биз юртимизда ўзимизга хос, ўзимизга мос ҳаёт қуришда шошмашошарлик, калтабинлик ҳолатларига, пала-партиш ишларга асло йўл қўймадик. Бошқаларга ўхшаб, маррани ким тезроқ эгаллайди, деган мусобақаларга қўшилмадик, ўзгалардан нусха олмадик, узоқни кўзламайдиган “маслаҳатчи”лардан йироқ бўлдик. Энг муҳими, ўз тақдиримизга, келажагимизга енгил-елпи қараб, таклиф этилаётган кредитларга учиб, қарзга ботганимиз йўқ.

Бир сўз билан айтганда, биз ҳақиқатан ҳам “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” деган принципга амал қилиб, мақсадимизга эришиш учун босқичма-босқич, эволюцион — тадрижий тараққиёт йўлини маҳкам ушладик.

Чуқур ва пухта ўйланган, машҳур беш тамойилга асосланган, бугунги кунда жаҳон миқёсида “ўзбек модели” деб тан олинган стратегик тараққиёт дастурини ишлаб чиқиб, уни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, тарихимизда ўчмас из қолдириши муқаррар”.

Маълумки, ушбу модель бешта тамойилга асосланади. Яъни, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил равишда амалга оширишга қаратилган ўзига хос йўл. Шунга мувофиқ, миллий давлатчилик асосларини шакллантириш, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодиётимизни либераллаштириш ҳамда модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш бўйича кенг қамровли саъй-ҳаракатлар олиб борилаяпти.

Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ фақат хом ашё чиқарган ва хом ашё сотган элнинг косаси оқармаслиги оддий ҳақиқат эканлигини уқтириб, миллий саноатимизни устувор ривожлантириш дастурини илгари сурди. Қисқа вақт ичида миллий иқтисодиётимиз таркибини тубдан ўзгартиришга хизмат қилган, замонавий юксак технологияларга эга бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ кимёси, нефтьгаз машинасозлиги, тўқимачилик саноати каби тармоқлар, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика, электроника ва маиший электроника, қурилиш материаллари саноати сингари жаҳон, минтақавий ҳамда ички бозорларда талаб катта бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги мажмуалар ва корхоналар барпо этилди.

“Ўзбек модели”нинг энг муҳим хусусияти, Юртбошимиз таъкидлаганидек, четдан қарз олиш сиёсатининг чуқур ўйланганида, мамлакатимизни ташқи омилларга боғлаб қўйиши мумкин бўлган қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечишда намоён бўлмоқда. “Биз Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини олиб боришда баъзиларга ўхшаб осон йўлни қидирмадик. Яъни, четдан қарз олишда етти ўлчаб, бир кесдик, ички бозорни турли-туман моллар билан тўлдиришга зўр бериб, олинган кредитларни, валюта маблағларини айрим давлатларга ўхшаб қисқа муддатда еб битирганимиз йўқ.

Биз, аксинча, энг оғир, энг қийин, лекин келажаги бор йўлни танладик. Инвестицияларни, аввалambор, иқтисодиётимизни тубдан ўзгартиришга, юқори технологияларга асосланган янги замонавий саноат корхоналарини барпо этишга йўналтирдик. Ва бугун ана шундай узоқни кўзлаган ишларимиз қандай юксак самара бераётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз”, дейди Президентимиз.

Бунинг исботи — мамлакатимизнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмаслиги, ички қарзимиз умуман йўқлиги, экспорт ҳажми, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан ошиб бораётганидир.

Жаҳон миқёсидаги глобал иқтисодий инқироз ҳали-бери давом этаётганига қарамасдан, дунёнинг саноқли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги ўн бир йил давомида 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда. Бу биз танлаган миллий тараққиёт йўлининг нечоғли тўғри ва ҳаётий эканининг яна бир исботидир.

Мамлакатда тўлиқ чет эл капитали ҳисобига ташкил этилаётган ҳамда қўшма корхоналар сонининг муттасил ортиб бораётганлиги сармоядорлар учун жуда қулай инвестициявий муҳит яратилгани билан боғлиқ. Буни мустақиллик йилларида иқтисодиётимизга 190 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар, жумладан, 65 миллиард доллардан ортиқ хорижий сармоялар жалб этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон инвестициялар киритиш учун жозибадор давлат эканлигини АҚШ, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Испания, Швейцария, Сингапур каби 90 дан зиёд давлатларнинг хорижий инвесторлари иштирокида ташкил этилган дунёга машҳур “Женерал моторс”, “МАН”, “Клаас”, “Исузу”, “Лотте кемикал”, “Когаз”, “Дэу текстиль”, “Янг вон”, “Хуавей”, “Пенг Шенг”, “Максам”, “Индорама”, “Нестле”, “Нобель”, “Ритер” сингари 4 мингдан зиёд қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият кўрсатаётганлиги ҳам тасдиқлайди. Улар билан ҳамкорлик миллий иқтисодиётимиз тармоқларини тубдан модернизация қилиш, энг замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш, жаҳон бозорларига янги харидоргир маҳсулотлар билан жадал кириб бориш имконини бермоқда.

Инвесторларга кенг солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналарининг ташкил этилгани юқори технологияларга асосланган корхоналарни ривожлантиришга шароит яратди. Бугун “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остидаги телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобиль телефонлар, кенг турдаги маиший электроника ва бошқа турли маҳсулотларни нафақат маҳаллий, балки кўпгина чет эл савдо мажмуалари пештахталарида ҳам учратасиз. Давом этаётган глобал инқироз туфайли кўпчилик давлатларда истеъмол талаби пасайиб бораётган бир шароитда, масалан, жорий йилнинг ўтган даврида 493 янги корхона экспорт фаолиятига жалб қилинди. Қиймати 64 миллион долларлардан зиёд 168 турдаги янги товарлар жаҳон бозорига чиқарилди.

Шу ўринда мамлакатимизда тадбиркорлик соҳаси миллий иқтисодиётни ривожлантириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда тобора катта роль ўйнаётганини айтиш жоиз. Айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56 фоиздан ортиқни ташкил этяапти. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 31,1 фоизи шу соҳа ҳиссасига тўғри келаётир. Бугунги кунда жами иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётгани унинг республикамиз тараққиётида тутган ўрни нақадар муҳимлигини яққол кўрсатиб беради. Мустақиллик йилларида аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад улуши 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу МДҲ мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Бу ҳақда сўз юритганда, собиқ Иттифоқ ҳудудидаги бошқа мамлакатлардан фарқли равишда, Ўзбекистонда даромадлар даражаси бўйича аҳолининг кескин табақаланиш ҳолати мавжуд эмаслигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ 2000 йилдаги 53,3 баробардан бугунги кунда 7,8 баробарга тушди. Жамиятда ижтимоий барқарорликнинг мезони ҳисобланган бу кўрсаткич, халқаро меъёрларга кўра, 10 баробар қилиб белгиланган.

Одамларнинг даромадлари ортиши билан оилаларнинг моддий аҳволи ҳам сифат жиҳатдан ўзгариб бормоқда. Бугунги кунда юртимиздаги оилаларнинг 94 фоиздан ортиғи холодильниклар, 84 фоиздан зиёди турли ошхона электр жиҳозларига, 63 фоиздан зиёди кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чангютгич, микротўлқинли печларга эга, учдан бир қисми эса кондиционерлардан фойдаланмоқда.

Истиқлол йилларида аҳолининг телевизорлар билан, айниқса, мутлақо янги турдаги — плазма экранли рангли телевизорлар билан таъминланиши 1,6 баробар, енгил автомобиллар билан таъминланиши 3,5 марта ошгани ҳам оилаларимизнинг фаровонлиги юксалиб бораётганининг яққол ифодасидир.

Қисқа вақт ичида ҳаётимизга, деярли ҳар бир оилага энг замонавий мобиль телефонларнинг бир неча янги авлоди, ноутбуклар, тюнерлар, DVD приставкалари, суғориш йўлдош орқали фаолият кўрсатадиган ва кабелли телевидение, духовкали электр печлар, музлаткич камералар, сув иситиш бойлерлари ва бошқа мутлақо янги, юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кириб келди. Энг муҳими, ушбу маҳсулотларнинг аксарияти ҳам мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётир.

Яна бир мезон ҳақида. Уй-жой билан таъминланганлик даражаси аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг асосий кўрсаткичларидан бири эканлиги барчага яхши маълум. Ҳозирги пайтда ҳам кўпгина, шу жумладан, ривожланган давлатларда аҳолининг салмоқли қисми хусусий тураржойга эга эмас, оилаларнинг ярмидан кўпи ижарага олинган хонадон ва уйларда яшайди. Ўзбекистонда эса уй-жой фондининг деярли барчаси хусусий мулк сифатида аҳоли тасарруфидадир.

Мамлакатимиз ҳудудларида уй-жойлар қуриш суръати ва кўлами йил сайин кенгаймоқда. Мустақиллик йилларида уй-жой фондининг умумий майдони 1,9 баробар ошди. 2009 йилдан эътиборан 159 та қишлоқ туманида 900 дан ортиқ янги уй-жой мавзелари барпо этилиб, салкам 45 мингта кўркам, барча қулайлик, зарур хўжалик биноларига эга бўлган, шаҳарлардагидан асло қолишмайдиган, пишиқ ғиштдан қурилган, замонавий қурилиш ва томёпқич материалларидан фойдаланилган, шифтлари баланд, хоналари шинам ва ёруғ якка тартибдаги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Ана шу мавзеларда тураржойлар билан бир қаторда, болалар боғчалари, мактаблар ва касб-ҳунар коллежлари, маданий ва маиший муассасалар, спорт мажмуалари ҳам қурилмоқда, ижтимоий инфратузилмалар — кенг ва равон йўллар, табиий газ, ичимлик ва оқова сув тармоқлари бунёд қилинмоқда. Бу жараён қизғин давом этяапти.

Юқоридаги кўрсаткичлар Ўзбекистон мустақиллик арафасида иқтисодиёти жар ёқасида турган қолоқ ўлкадан бугунги кунда тез ва барқарор суръатлар билан, аввало, замонавий саноат тармоқлари ҳисобидан куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган индустриал давлатга айланаётганлигининг амалий ифодасидир. Ўзбекистон иқтисодиётининг чорак асрдан камроқ бир даврда 5,5 карадан зиёд ўсгани, аҳолимизнинг реал даромадлари ҳажми жон бошига 9 марта кўпайгани, албатта, фахрланишга арзийдиган натижадир. Бугун жаҳон ҳамжамиятининг бизга ҳайрат ва ҳавас ила боқаётгани ҳам бежиз эмас. Бинобарин, юртимиз эришаётган ютуқ ва марралар дунё миқёсида кенг эътироф этилаётир. Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллагани, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган “Бутунжаҳон бахт индекси”да Ватанимиз 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллагани бунинг яққол тасдиғидир.

Мамлакатимизда истиқболда бажарилиши кўзда тутилган режалар янада улуғвордир. Хусусан, 2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури бўйича умумий қиймати 40 миллиард 809 миллион долларлик 846 инвестициявий лойиҳа амалга ошириш белгиланган. Улар қаторига Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуи каби юзлаб янги замонавий, энг илғор технологияларга асосланган корхоналарни қуриш, “Ангрен — Поп” электрлаштирилган темир йўл линиясини фойдаланишга топшириш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бу сингари улкан режаларни изчил ҳаётга татбиқ этиш 2015 — 2019 йилларда ялпи ички маҳсулотни йилига ўртача камида 8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 9 фоизга ошириш, яъни шу давр мобайнида мазкур кўрсаткични 1,5 баробарга кўпайтириш имконини беради. Белгиланган мўлжаллар пухталиги энг нуфузли халқаро экспертлар томонидан ҳам тасдиқланмоқда. Хусусан, Халқаро валюта жамғармасининг 2015 йил апрель — май ойларида мамлакатимизда бўлган миссияси бошлиғининг баёнотида “...Ўзбекистон иқтисодиёти мураккаб ташқи шароитда ҳам ўз барқарорлигини намоён этмоқда. ... 2015 йилда иқтисодий ўсиш, кутилганидек, юқори бўлади. Бунга яқинда қабул қилинган саноат ва инфратузилмани модернизация қилиш, хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув дастурлари самарасида эришилади”, деб қайд этилди.

Холис муносабатлар, самимий эътирофлар, шубҳасиз, дилга ўзгача ифтихор бағишлайди. Дунё тан олаётган ютуқларимизнинг барчаси, юқорида айтиб ўтганимиздек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган “Ўзбек модели”нинг ҳар томонлама тўғри эканлигининг, Ўзбекистон энг ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш йўлида дадил одимлаётганининг амалий ифодаларидир.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

Долзарб қонун лойиҳаси — муҳокамада

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор моддаларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилгани парламент фаолияти самарадорлигини янада ошириш, унинг назорат вазифаларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қоида асосида кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари самарадорлигини юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўла таъминлаш, жойларда юзага келаётган долзарб масалаларни адолатли ҳал этишга кўмаклашмоқда.

Семинарда таъкидланганидек, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ҳамда манфаатлар мувозанати тизимининг самарали ишлашида парламент муҳим роль ўйнайди. Бунда эса парламентнинг нафақат қонун ижодкорлиги фаолияти, балки назорат функциясини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Бинобарин, экспертлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган “Парламент назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бугунги кунда долзарб бўлиб, кенг муҳокама қилинмоқда.

Тадбирда иштирокчилар ушбу қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Муҳокамалар чоғида мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида, энг аввало, миллий тажриба, яъни ҳозирги вақтда мавжуд миллий қонунчилигимизда парламент назорати билан боғлиқ нормалар ўрганилгани, бу масалада олим ва мутахассисларнинг назарий ҳамда амалий қарашлари эътиборга олингани қайд этилди. Шу билан бирга, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда 20 дан ортиқ хорижий давлатлар тажрибаси атрофлича таҳлил этилганига эътибор қаратилди.

Депутатларнинг фикрича, парламент назоратининг бир қатор шакллари мавжуд бўлиб, улар амалиётда кенг қўлланилмоқда. Олий Мажлис палаталари томонидан назорат вазифасини амалга оширишнинг ана шу шакллари ва усулларини ушбу ҳуқуқий ҳужжатда тизимли ҳамда аниқ мустаҳкамлаб қўйиш ҳаётий заруратдир.

Семинарда соҳадаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билдирилди.

Зиёда АШУРОВА.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий юксалтиришнинг муҳим шарти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биргина 2012 — 2014 йилларнинг ўзида хусусий мулк ролини ошириш ва уни ҳимоя қилиш, тадбиркорлик муҳитини ҳамда бизнес юритиш шарт-шароитларини янада яхшилашга қаратилган 15 дан зиёд қонунлар қабул қилинди.

Яқинда кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, айниқса, бу борада муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат иқтисодиётдаги хусусий мулкнинг ролини тубдан ошириш учун янада қулай ҳуқуқий шарт-шароитлар ҳамда преференциялар тизимини яратишга, тадбиркорлик фаолиятини юритиш борасидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни бартараф этишга қаратилгандир.

Тадбирда ушбу саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, тадбиркорлик субъектларининг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини оширишга, уларнинг экспорт имкониятларини янада кенгайтиришга, хорижлик инвесторларнинг ўз капиталини мамлакатимиз иқтисодиётига киритишдан манфаатдорлигини бундан-да кучайтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Давра суҳбатида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда хорижлик инвесторларни жалб қилиш ва ишлаб чиқаришни янада диверсификациялашнинг муҳимлиги таъкидланди. Шу жиҳатдан қараганда, бугунги кунда жойларда вазирлик ҳамда идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари иштирокида турли тадбирлар, учрашувлар ўтказилаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Негаки, бундай тадбирларда инвестиция лойиҳаларининг ҳаётга жорий этилиши атрофлича кўриб чиқилади, аниқланган муаммоларни бартараф қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланади. Шу билан бирга, жойларда хорижлик инвесторларга мунтазам ахборот ҳамда маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Тадбирда чет эл инвестициялари ҳимоясини янада кучайтириш ва қулай инвестиция муҳитини яратишнинг ҳуқуқий ҳамда институционал асосларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қобил ХИДИРОВ.

Хусусий сектор фаолияти

давлатимиз томонидан изчил қўллаб-қувватланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Гапнинг рости, тадбиркорликни бошлашдан олдин иккиланган эдим, — дейди Бўз туманидаги “Юксак самара файзи” хусусий корхонаси раҳбари Азиза Валихонова. — Бекорга ташвишланган эканман. Чунки фаолиятимиз йил сайин ривожланмоқда. Олинган даромад ҳисобидан янги-янги лойиҳаларни рўёбга чиқараяпмиз. Масалан, 2009 йилда янги ускуна ва жиҳозлар келтириб, ишлаб чиқараётган нон ва нон маҳсулотларимиз сифатини янада яхшилаб олдик. Турмуш фаровонлигимиз ошиб, ўзимизда ишлаб чиқарилган автомобиллардан харид қилдик.

Бугунги конференция-семинарда иштирок этиб, ўзимга фойдали маълумотлар олдим, янги қонун ҳужжатлари билан яқиндан танишдим. Бу биз, тадбиркорлар учун катта имкониятдир.

Эътиборлиси, давлатимиз раҳбарининг юқорида зикр этилган Фармони бу борадаги ишларни юқори поғонага кўтаришга замин яратган бўлса, жорий йилнинг 21 августидан кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун эса 2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда айни муддао бўлмоқда.

Боиси мазкур Қонуннинг асосий мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтиришдан иборатдир. Бунда назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва бошқа давлат органлари ходимларининг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуви ҳамда тўсқинликлари учун жавобгарликни, хусусан, жиноий жавобгарликни янада ошириш чоралари белгиланди.

Конференция-семинарда бир гуруҳ тадбиркорларнинг таклиф ва мулоҳазалари тингланди, уларни қизиқтирган саволларга мутасаддилар томонидан атрофлича жавоб берилди.

Конференция-семинарда Андижон вилояти ҳокими Ш. Абдураҳмонов сўзга чиқди.

Саидаҳмад ШУКУРОВ.

Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлод

эртанги кунимизнинг бунёдкорларидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унда қайд этилганидек, мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад истиқлол йилларида адабиёт, маданият ва ноширлик соҳаларида қўлга киритилган ютуқларни жамоатчиликка етказиш, шунингдек, болаларда китоб мутолаасига бўлган қизиқишни ошириш, шу орқали уларнинг маънавиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишдир.

— Китобни офтобга менгзашади, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон. — Офтоб оламни нурафшон этса, китоб инсон қалбини ёритиб, эзгулик сари чорлайди. Фарзандларимизнинг яхши фазилатлар соҳиби бўлиб вояга етишида ҳам китобнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Мазкур фестивалга кўплаб мактаблардан ташриф буюраётган ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналари ҳамроҳлигида келаётган болажонларни кўриб, қувонасан киши.

Республикамизда ҳар йили нашриётлар томонидан 3 минг номдаги умумий адади 45 миллион нусхадан ортиқ китоб маҳсулотлари нашр этилмоқда. Эътиборли томони шундаки, юртимизда нашр қилинаётган адабиётларнинг ҳар учтадан биттаси болаларга бағишланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 апрелдаги “2010 — 2015 йилларда болалар ва ўсмирларни маънавий камол топтиришга йўналтирилган ноширлик маҳсулотларини нашр этиш дастури тўғрисида”ги қарори доирасида ўтган йилларда ўзбек ҳамда жаҳон адабиёти, мутафаккирлар ҳаёти ва фаолияти, аждодларимизнинг маънавий жасорати, қаҳрамонликларига бағишланган китоблар, энциклопедик адабиётлар, плакатлар нашр этилиб, ўқувчиларга етказилди.

Фестивалда 60 дан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари мингга яқин номдаги болалар адабиётлари билан қатнашмоқда.

Сайил тарзидаги фестиваль доирасида Маданият ва истироҳат боғининг турли ҳудудларидаги махсус стендларда нашриётлар томонидан Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган ҳамда нуфузли халқаро анжуманларда эътироф этилган китоблар тақдимотлари ўтказилмоқда.

Тадбир доирасида “Менинг биринчи китобим”, “Атроф олам муҳофазаси — саломатлик гарови”, “Мўъжиза эмасдир фалакда офтоб, мўъжиза аслида беминнат китоб”, “Китоб — энг яхши совға” каби мавзуларда интеллектуал ўйин ҳамда викториналар, “Китоб ўқишни ёқтирасизми?” мавзуида ижтимоий сўровнома ўтказилаётир.

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида “Болалар китоби” иккинчи республика фестивалининг очилишига бағишланган концерт дастури ҳам намойиш қилинди.

Фестиваль 19 сентябргача давом этади.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Янги дастур тақдимоти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ёлғиз кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд қатлами вакилларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш борасида Ўзбекистонда тўпланган тажриба бугун дунёнинг кўпгина давлатларига намуна қилиб кўрсатилаётир.

Иштирокчилар Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор тараққий этиб бораётганини эътироф этдилар. Шу жумладан, хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш, хусусий секторни ривожлантириш, бу йўлдаги суғурта тўсиқ ҳамда ғовларни бартараф этиш, ишбилармонлик ташаббусларини рағбатлантириш юзасидан амалга оширилаётган қатъий чора-тадбирлар аҳолининг бандлик даражаси ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Тақдимотда ижтимоий йўналтирилган иқтисодий ривожланишни таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизими сифатини янада яхшилаш, атроф-муҳит муҳофазасини такомиллаштириш, аҳолига тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган Тараққиётга кўмак дастурининг устувор йўналишлари эканлиги қайд этилди.

— Мазкур дастур БМТ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқади, — дейди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Стефан Приснер. — Таъкидлаш жоизки, ЮНДАФ дастурида белгиланган вазифалар Ўзбекистоннинг миллий ривожланиш дастури ва стратегияларида ўз ифодасини топган устувор мақсадлар билан уйғундир.

Тадбирда ЮНДАФ дастурининг асосий мақсади, унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш механизмлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Фарида МАҲКАМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

МУНОСАБАТ

Аввал хабар қилинганидек, яқинда Жиззахда “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” танловининг республика босқичи ўтказилди. Унда ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган 14 та фуқаролар йиғини жамоаси баҳс олиб борди. Шу маънода, айтиш мумкинки, мазкур танлов соҳадаги илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш, шунингдек, маҳалла фаоллари учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтади.

Булар юртимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ишончли таянчи ва таъсирчан кучи сифатида маҳалла институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар самарасидир. Тадбирда қатнашган маҳаллалар фаоллари, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари буни алоҳида эътироф этдилар.

МАҲАЛЛАЛАР ТАНЛОВИДАН — ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ ОММАЛАШТИРИШ САРИ

Тожихон ҚОДИРОВА,
Гулистон туманидаги “Юлдуз” маҳалла фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, қўлга киритилган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятига, хусусан, мамлакатимизда ўзимизга хос ҳамда мос бўлган ҳаётни қуришда “бошқаларга ўхшаб, маррани ким тезроқ эгаллайди”, деган мусобақаларга қўшилмаганлигимиз, ўзгалардан нусха олмаганлигимиз, “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун” тамойилига қатъий амал қилиб, “ўзбек модели” деб тан олинган стратегик тараққиёт дастурини босқичма-босқич амалга оширганимизга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу маънода, ушбу масаланинг мазмун-моҳиятини маҳалла тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ходим тушуниб етиши, кенг жамоатчиликка етказиши долзарб вазифалардан биридир.

“Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” танлови, айтиш керакки, фаолиятимизни янада самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, уч босқичли тизимдан иборат ушбу нуфузли тадбир маҳаллалар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтаётир.

Ўзимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, биз танловда ғолиб чиқиш билан бирга, мамлакатимиздаги энг фаол фуқаролар ўзини ўзини бошқариш органларининг илғор иш услуби ва тажрибаларини ўрганиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдик. Қолаверса, соҳанинг қонунчилик асослари бўйича билимларимизни янада мустаҳкамладик.

Таассуротларимиз катта. Танлов асосида Жиззахнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва ҳудуддаги маҳаллалар фаолияти билан яқиндан танишдик. Шаҳардаги бир неча саноат корхоналарида бўлдик. Уларда меҳнат қилаётган ёшларимиз шижоати ҳамда энг замонавий ишлаб чиқариш технологияларини моҳирлик билан бошқариши қалбимизни севинч ва ғурурга тўлдирди. Бу ерда истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари эса ҳайратимизни оширди. Гап шундаки, Жиззах туманидаги “Учтепа” маҳалла фуқаролар йиғинида бунёд этилган намунали лойиҳадаги уй-жойлар унинг кўркига кўрк қўшиб тургани ҳавас қилса арзигулик. Массивга уйғун равишда қурилган йиғин биносида зарур шароит ҳамда қулайликлар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юксак эътибор ва ишонч ифодасидир.

Ажинияз МНАЖОВ,
“Маҳалла” хайрия фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раисининг ўринбосари:

— Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида халқимизнинг ҳам истаги, ҳам мақсади ҳисобланган тинчлик ва омонликни, осойишталикни сақлаш, огоҳ ҳамда сезгир бўлиб яшаш, тинч ва осуда ҳаётимиз учун, мусаффо осмонимизни ҳимоялаш учун курашишимиз, энг катта суянчимиз ва таянчимиз бўлган ёшларни ана шу руҳда тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратдилар.

Бинобарин, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни турли зарарли таъсирлардан, “оммавий маданият” ниқоби остидаги тахдиду хатарлардан асраш, уларни она-Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш учун, аввало, ҳар бирининг қалби ҳамда онгида мафкуравий иммунитетни янада кучайтириш масалалари биз, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликнинг энг муҳим вазифамиз ҳисобланади.

Жиззахда бўлиб ўтган “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” танлови доирасида шаҳарда амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ҳамда бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдик. Намунали маҳаллалар, замонавий иншоотлар, илғор технологиялар билан таъминланган корхоналарга ташрифимиз, айниқса, мароқли кечди.

Танловдан олган тажриба ва таассуротларимиз ҳудудимиздаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга услубий-амалий кўмаклашиш борасидаги фаолиятимизни янада самарали ташкил этиш имконини беришига ишонаман.

Муҳаммаджон ЖЎРАБОЕВ,
Тошлоқ туманидаги “Тошлоқ” шаҳарча фуқаролар йиғини раиси:

— Танловда “Маҳаллада ижтимоий шериклик муносабатларини кенгайтириш масалалари” номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритдик. Ижтимоий шериклик, аввало, давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ўзаро тенг ҳамкорлигидир.

Шундан келиб чиқиб, биз туманимиздаги давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликда чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишга эътибор қаратмоқдамиз. Бу эса яхши самара бераяпти. Жумладан, туман бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази кўмагида жорий йилнинг ўтган даврида йиғинимиз ҳудудида истиқомат қилувчи 45 нафар фуқарони иш билан таъминлашга, 35 нафар фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига, 4 та бўш турган бинода ишлаб чиқариш цехларини ташкил этишга ёрдамлашдик.

Танловнинг республика босқичи юқори савияда ўтказилди. Жиззах вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик юмушлари билан яқиндан танишдик.

Бугунги кунда нафақат Жиззах вилоятида, балки республикамизнинг барча ҳудудида, шу жумладан, Фарғона вилоятида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, маҳалла тизимини қўллаб-қувватлаш бўйича саъй-ҳаракатлар ҳар биримизни янада шижоат билан ишлашга ундамоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг яқинда нашр қилинган “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” китобида қайд этилганидек, “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?”, “Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?” деган саволларнинг моҳияти ҳамда аҳамияти бўйича ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда аҳоли ўртасида тарғибот ишларини тизимли ташкил этиш, уларни янги марралар сари руҳлантиришимиз биз, маҳалла фаоллари олдидаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Шаҳло ҚОБИЛОВА,
Жиззах шаҳридаги 8-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:

— Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги доирасидаги ишлар мисолида буни яққол кўриш мумкин. Бизнинг мактабимизда ота-оналар ҳамда маҳалла билан мустаҳкам алоқа йўлга қўйилган бўлиб, ибратли оилалар, турли касб эгалари билан учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ташкил этилган “Нуроний — эъзозимизда” деб номланган тадбирга мактабда кўп йиллар самарали меҳнат қилган устозлар таклиф қилинди. Улар ўзларининг ҳаётий тажрибаси орқали ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги нечоғли муҳим эканлиги алоҳида таъкидлади. Тадбир доирасида “Менинг бобом, менинг бувим”, “Маҳалламизнинг ибратли кишилари” мавзуларида ижодий ишлар кўргазмаси уюштирилди. Унда ўқувчиларимиз фаол қатнашди.

Вилоятимизда бўлиб ўтган “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” танлови республика босқичида “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлик механизми доирасида юртимизнинг бошқа вилоятларидаги фуқаролар йиғинларида тўпланган илғор иш тажрибалари, маҳалла фаоллари ташаббуслари билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси билан танишдик. Бу биз учун айни муддаодир.

Илҳом МУҲАММАДИЕВ,
Термиз шаҳридаги “Алпомиш” маҳалла фуқаролар йиғининг “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси раҳбари:

— Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” танлови ушбу тизимнинг янги қирраларини очиб бермоқда. Мазкур тадбир туфайли жамоамиз билан биргаликда жиддий ўқиб-ўргандик, изландик. Ана шу ўрганган билимларимиз ва намунали маҳаллаларнинг илғор иш тажрибалари билан танишиш келгусида фаолиятимизни бугунги кун талаблари даражасида давом эттиришимизда қўл келади.

Мен фаолият юритаётган маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг 61 фоизини ёшлар ташкил этади. Уларнинг ҳар бири билан дўстона муносабатни йўлга қўйганимиз натижасида вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилиги ҳамда ҳуқуқбузарликлари кейинги йилларда умуман қайд этилмади. Бу борада ҳудудда жойлашган ахборот технологиялари ва Термиз саноат касб-ҳунар коллежи, шунингдек, 13-умумтаълим мактаби жамоаларининг ёрдами салмоқли бўлаётир.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
ёзиб олди.

ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатлари (ТИА, бизнес-режа)ни ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш лозим:

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com
Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

05/160

XALQ BANKI — КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлик тижорат Халқ банки

халқаро VISA electron ва VISA classic пластик карточкаларини етказиб берувчи ташкилотларни аниқлаш бўйича қайта танлов ўтказиш тўғрисида эълон қилади.

Тендер савдоларида чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий етказиб берувчилар, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

1. Тендер комиссияси ишчи органи номи ва манзили: Акциядорлик тижорат Халқ банки, Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй. Телефонлар: (+99871) 120-17-65, 120-17-48. www.xb.uz E-mail: marketing@xb.uz
2. **Тендер савдоси предмети — 8000 дона халқаро VISA electron ва 2000 дона халқаро VISA classic пластик карточкаларини етказиб бериш.**
3. Тўлов шакли — аккредитив (АҚШ долларида).
4. Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни www.xb.uz сайтидан, шунингдек, душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин.
5. Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) **2015 йил 5 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 18.00 гача** қабул қилинади.

1398R/120

XALQ BANKI — КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлик тижорат Халқ банки

персонализатор лентасини етказиб берувчи ташкилотларни аниқлаш бўйича қайта танлов ўтказиш тўғрисида эълон қилади.

Тендер савдоларида чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

1. Тендер комиссияси ишчи органи номи ва манзили: Акциядорлик тижорат Халқ банки, Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй. Телефонлар: (+99871) 120-17-65, 120-17-48. www.xb.uz E-mail: marketing@xb.uz
2. **Тендер савдоси предмети — 500 дона персонализатор лентасини етказиб бериш.**
3. Тўлов шакли — аккредитив (АҚШ долларида).
4. Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни www.xb.uz сайтидан, шунингдек, душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин.
5. Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) **2015 йил 5 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 18.00 гача** қабул қилинади.

1399R/120

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Фарғона вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Учкўприк тумани СИБ томонидан ФИБ Қўқон туманлараро судининг 2015 йил 5 майдаги 2248-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Минерал маҳсулот таъминот» МЧЖга тегишли, Учкўприк тумани, Наврўзшоҳ кўчасида жойлашган дўкон бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 170 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 7 октябрь куни соат 15.00 да ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 5 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан туман суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг акциядорлик тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй.
Телефонлар: (0-373) 244-46-39, 244-46-22.
Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz

Хизматлар лицензияланган.

1390A/02

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2015 йил 23 октябрь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Қўқон шаҳар СИБ томонидан ФИБ Қўқон туманлараро судининг 2015 йил 22 майдаги 2845/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, 19-МФЙ, Фурқат кўчаси, 100-уй, «Марказий деҳқон бозори» ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 38,62 кв.м., фойдаланиш майдони 31,36 кв.м. бўлган, 0020-литердаги бинонинг 2-қаватидаги 1-сонли савдо дўкони.

Бошланғич баҳоси — 60 000 000 сўм.

2. Қўқон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 20 июлдаги 15-1507/12402-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, 19-МФЙ, Фурқат кўчаси, 100-уй, «Марказий деҳқон бозори» ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 36,89 кв.м., фойдаланиш майдони 31,08 кв.м. бўлган, 0020-литердаги бинонинг 2-қаватидаги 7-сонли савдо дўкони.

Бошланғич баҳоси — 39 500 000 сўм.

3. Қўқон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 29 июндаги 15-1508/10167-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, 19-МФЙ, Фурқат кўчаси, 100-уй, «Марказий деҳқон бозори» ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 150,10 кв.м., фойдаланиш майдони 93,80 кв.м. бўлган, 0020-литердаги бинонинг 2-қаватидаги 3, 8 ва 9-сонли савдо дўконлари.

Бошланғич баҳоси — 257 143 000 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 21 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 20-хона.
Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.

Хизматлар лицензияланган.

1391A/34

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 26 мартдаги 18-1503/2325-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрисабз тумани, «Мўминобод барака» фермер хўжалигига қарашли қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Шаҳрисабз тумани, «Шакартери» ҚФЙ, Мўминобод қишлоғида жойлашган, ер майдони 68170,0 кв.м., қурилиш майдони 6893,45 кв.м. бўлган чорвачилик фермаси бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 390 000 000 сўм.

2. Шаҳрисабз шаҳри, «Пахтакор» МФЙ, Ипак йўли кўчасида жойлашган, ер майдони 1742,0 кв.м., қурилиш майдони 827,76 кв.м. бўлган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 275 000 000 сўм.

3. Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 25 сентябрдаги 2-79-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрисабз тумани, «Аъзам» ишлаб чиқариш ва савдо фирмасига тегишли, Шаҳрисабз тумани, «Шаматон» ҚФЙ, Пахтакор қишлоғида жойлашган, умумий майдони 2100 кв.м., қурилиш майдони 1035,35 кв.м., фойдаланиш майдони 1043,37 кв.м. бўлган савдо маркази такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 202 593 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 6 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 2 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй.
Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

1383A/2

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш гуруҳи раҳбари Дилбар Алимжановага падари бузруквори

Маъруфжон ота АТАЖАНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Иқтисодиёт назарияси кафедраси доценти Шоира Исроиловага волидаи муҳтарамаси

МУБОРАК аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Фарзанд бахтидан, камолидан қувонмайдиган инсон йўқ. Худди шундай, биз, ўқитувчи ва мураббийлар ҳам ўз ўғил-қизларимиз қаторида ўқувчиларимиз, шогирдларимизнинг ҳар бир ютуғини кўрганда завқланамиз, чексиз фахрланамиз.

Фарзандлар камоли — энг эзгу мақсад

Асли созандаман. Айни пайтда болалар мусиқа ва санъат мактабида дарс бераман. Шу боис ҳам давлатимиз томонидан таълим сифатини ошириш, ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бу йўлда меҳнат қилаётганларни муносиб рағбатлантириш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсат мазмун-моҳиятини ўз фаолиятим мисолида чуқур ҳис қиламан. Бундай юксак ғамхўрликдан руҳланиб, бугун дил сўзларимни айтишга жазм этдим.

Биласиз, ёқимли куй, наво тингловчига ором бағишлайди. Кўнгилда орзу-умидлар уйғотади. Шугина эмас, мусиқанинг ўзига хос тарбиявий аҳамияти ҳам бор. Айтайлик, “тиқ” этган овозни эшитса, бу садо айнан қайси нотага мос келишини фарқлай биладиган одам анчайин синчков, зийрак ва хушфеъл бўлади. Шунинг учун қадимдан халқимиз мусиқанинг инсон камолотидаги ўрнини ниҳоятда қадрлайди. Қувонарлиси, бугун миллий мусиқа санъатимизни янада равнақ топтириш, шу соҳада ўқиб-изланаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин самараси ўлароқ, кейинги йилларда дунёнинг ҳали у, ҳали бу ерида ўтаётган нуфузли танловларда ёш мусиқачиларимиз бот-бот зафар қучмоқдалар. Оддий санъат шайдоларидан тортиб, жаҳонда кўзга кўринган мусиқашунослар ҳам ёшларимизнинг ажойиб ижросидан ҳайратга тушмоқда.

Ўзим меҳнат қилаётган мусиқа ва санъат мактабидан қиёс. Қурилганига ярим асрдан ошган, шунча йиллар мобайнида не-не истеъдодларга гувоҳ бўлган бу масканнинг довруғи ҳеч қачон, таъбир жоиз бўлса, Тўйтепадан нарига ўтган эмас. Бугун-чи?

Юқорида тилга олинган қарор асосида капитал таъмирдан чиқарилгач, мактабимиз бутунлай кўркам қиёфага эга бўлди. Замонавий жиҳозлар, нодир қўлланмалар, миллий ва жаҳон мусиқа асбоблари билан таъминланди. Бу мақсадларга давлат ҳисобидан 1 миллиард 150 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Айни пайтда бу ерда 250 дан ортиқ ўқувчи саккиз йўналишда таҳсил олаяпти. Улар орасида истеъдоди мактаб саҳнасидан чиқиб, мамлакат ва ҳатто жаҳон миқёсида эътирофга сазовор бўлаётган умидли ёшларимиз жуда кўп. Мумтозбегим Исроилова, Мардон Зикиряев, Шоҳруҳ Жўрабоев, Достон Қувашев, Убайдулла Эгамбердиев, Дилшод Муҳаммедов каби ёшларимиз шулар жумласидандир.

Не бахтки, шогирдларимиз ортидан биз ҳам юрт кўраяпмиз. Кейинги икки-уч йилнинг ўзида МДҲ ва Европанинг 10 га яқин шаҳарларида бўлиб қайтдик. Дарвоқе, хориж сафарлари ва гастроллар чоғида қизиқ воқеалар кўп бўлади. Ҳозир шулардан бири ёдга тушди.

Францияда ўтказилган “Париж юлдузлари” халқаро танловида саҳнага чиққан рубобчиларимизнинг завқи жўшдими, ё бошқами, негадир, белгиланган регламентдан четга чиқиб кетишди. Дастурга кўра, улар Йоган Брамснинг “Венгерча рақс” концертини ижро этишлари керак эди. Классик бастакорнинг кўпчиликка яхши таниш бўлган мусиқий асарини ижро эта туриб... бирдан “Андижон полкаси”ни улаб юборишса бўладими!

Энди буёғи нима бўларкин, деб залга разм солдим. Очиғи, ўшандаги ҳаяжонимни сўз билан таърифлаб беролмайман. Не кўз билан кўрайки, санъат саройини тўлдириб ўтирган мусиқа шинавандалари, ҳакамлар, ҳатто, Италия, Россия, Германия, Латвия, Литва, Венгрия, Япония каби ўнлаб давлатлардан келган ёшлару уларнинг устоз-мураббийлари баравар қарсак чалиб, рақсга тушишмоқда. Танлов ҳайъати шуни инобатга олдими, ҳарқалай, бундай “ўзбошимчалик”ни якуний хулосаларга таъсир қилдирмади. Аксинча, европаликларни “анжанча”сига ўйнатган учовлон рубобчимиз танловдан лауреатлик дипломи билан қайтди...

Орзусиз инсон бўлмаса керак. Шогирдларимизнинг нияти улуғ. Мана, кўрасиз, улар ҳали бутун жаҳонга ўзбек миллий мусиқа санъатининг нуфузини, миллий чолғуларимиз сеҳри, оҳанграбосини янада баланд пардаларда намойиш этишади. Биз, устоз ва мураббийлар бундай эзгу мақсад йўлида бор куч ҳамда салоҳиятимизни аямаймиз.

Зокиржон ЎТАЕВ,
Ўрта Чирчиқ туманидаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан талабаларга таълим кредити ажратиш ва ундан фойдаланиш масалаларига бағишланган анжуман ўтказилди.

Талабалар учун таълим кредити

Тадбирда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш мақсадида мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилаётгани айтиб ўтилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, республикамиз тижорат банклари талабалар учун имтиёзли таълим кредитлари ажратиб келмоқда. Ўтган тўрт ярим йил мобайнида молия муассасалари томонидан 72 мингдан зиёд талабаларга жами 225 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда таълим кредитлари берилгани бунинг амалий ифодасидир. Биргина жорий йилнинг олти ойида эса республикамиз миқёсида 35,7 млрд. сўм ҳажмида таълим кредитлари ажратилган.

Маълумки, бундай турдаги кредитлар олий ўқув юртларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалаврларга 10 йилгача, магистрларга 5 йилгача муддатга берилади. Яъни у Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкасида ажратилади. Шунингдек, Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ёки болаликдан биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони бўлган ёшлар фоизсиз таълим кредитидан фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган талабалар учун таълим кредити бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи туман Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади.

Имтиёзли таълим кредитларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган оилалар кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш, беришнинг амалдаги тартибига мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади.

Анжуман якунида эътироф этилганидек, таълим кредитларининг ажратилиши мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, энг муҳими, ёшларнинг малакали мутахассис бўлиб етишишида муҳим ўрин тутмоқда.

Дилмурод СОДИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТИББИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ва “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида ташкил этилган навбатдаги “Саломатлик поезди” Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

«Саломатлик поезди» — Оролбўйида

Оролбўйи минтақасидаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш мақсадида “Тошкент — Тўрткўл — Мискин — Тошкент” йўналиши бўйича ҳаракатланган мазкур поездда жами 739 миллион 388 минг сўмликдан зиёд дори-дармон, тиббий жиҳозлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилди.

— Тўрткўл, Беруний, Амударё, Элликқалъа туманларидаги шифо масканлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, минтақадаги Меҳрибонлик уйлари озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббий жиҳозлар билан таъминланди, — дейди “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Ўрозгул Ембергенова. — Шунингдек, эҳтиёжманд оилалар фарзандларига турли дармондорилар ҳам тарқатилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Аҳоли соғлиғи — муҳофазада

Кармана туманида Корея Республикасининг Инха университети госпитали шифокорлари томонидан кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда олис ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари тиббий кўрикдан ўтказилди.

Хорижлик мутахассислар беморларда аниқланган хасталиклар юзасидан зарур муолажаларни қўллаб, ўз маслаҳатларини беришди.

Айтиш жоизки, ушбу хайрли ишни амалга оширишда чет эллик мутахассисларга “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди Навоий вилояти ҳудудий филиалининг тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси шифокорлари ҳамкорлик қилишди. Шунингдек, икки кунлик тиббий кўрик давомида аҳолига юз турдаги бепул дори-дармон воситалари тарқатилди.

Азамат ЗАРИПОВ.

Замон талабларига мос

Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмасининг терапия ва болалар бўлимлари бинолари реконструкция қилингач, кўркам қиёфа касб этди.

Натижада бу ерда санитария-гигиена талабларига тўла мос келадиган замонавий шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, беморларга ажратилган хоналар бир ва икки ўринга мослаштирилиб, уларга ичимлик суви тармоғи ўрнатилди. Шунингдек, иккала бўлим ҳам зарур мебель ва бошқа жиҳозлар билан таъминланди.

— Ушбу бунёдкорлик ишлари Инвестиция дастури асосида амалга оширилди, — дейди тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Маматғани Войдуллаев. — Унга 2 миллиард 331 миллион сўм йўналтирилди. Қувонарлиси, мазкур дастурга биноан, қисқа муддат ичида тўртта бўлимимиз янги биноларга эга бўлди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбек кураши Осиё ўйинларига киритилди

“Мен ишонаман: дунёга машҳур паҳлавонларнинг бебаҳо хизматлари туфайли халқимиз маънавий турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган кураш бугундан эътиборан янги ҳаётини бошлайди, янада юксалади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг севимли машғулотига айланади”.

ФАХР

Президентимизнинг 1999 йил 1 май куни пойтахтимизда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимида айтган бу сўзлари миллий спортимиз — курашнинг 2018 йили Жакарта (Индонезия) шаҳрида ўтказиладиган XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига киритилгани мисолида ана шу эзгу истакнинг яна бир амалий тасдиғи бўлди. Ушбу хушхабар Осиё олимпия кенгашининг Ашхобод шаҳрида ўтказилган навбатдаги Бош ассамблеясида эълон қилинди.

Таъкидлаш жоизки, уч минг йиллик анъаналарга эга курашнинг халқаро миқёсда кенг оммалашаётгани замирида, аввало, мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш йўлида спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ётган бўлса, бунинг яна бир муҳим жиҳати, ўзбек кураши барча спорт турларидаги энг инсонпарвар қоидаларни ўзида мужассам этгани билан боғлиқдир.

Миллий спорт туримизни ривожлантиришда давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 1 февралдаги “Халқаро “Кураш” Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания кураш конфедерацияси фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларга 120 дан ортиқ давлат аъзо. Мазкур спорт тури бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар юқори савияда ташкил этиб келинаяпти. Жаҳон ареналарида “ҳалол”, “чала”, “ёнбош”, “ғирром”, “дакки” каби соф ўзбекча сўзлар жаранглаётгани биз учун чинакам фахрдир.

Осиё олимпия кенгаши томонидан ҳар тўрт йилда ташкил этиладиган ёзги Осиё ўйинлари спортчилар учун нуфузи жиҳатидан Олимпиада ўйинларидан кейинги муҳим мусобақа саналади. Шу маънода, Осиё олимпия кенгашининг ушбу қарори миллий спорт туримизни жаҳонда янада кенг оммалаштириш ҳамда унинг Олимпиада ўйинлари дастурига киритилиши йўлидаги яна бир дадил қадам бўлди.

Индонезияда ўтказиладиган қитъа ўйинларида кураш бўйича эркаклар етти, хотин-қизлар саккиз вазн тоифасида ғолиблик учун баҳслашади.

Унгача эса 2016 йили Вьетнамда ўтадиган Осиё соҳил ўйинлари, 2017 йили Туркманистонда бўладиган ёпиқ иншоотларда ва жанговар яккакурашлар бўйича Осиё ўйинларида мазкур спорт тури бўйича беллашувлар ташкил этилади.

Фазлиддин АБИЛОВ.

Миллий таомлар фестивали

Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши томонидан “Тасанно — 2015” миллий таомлар халқаро фестивали ўтказилди.

АНЪАНА

Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, Байналмилал маданият маркази, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, чет эллик меҳмонлар, талаба-ёшлар қатнашди.

Фестивалда қайд этилганидек, республикамизда хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантириш, турли халқлар урф-одати ҳамда анъаналарини юртдошларимизга кенг таништиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлайди. Анъанага айланаётган “Тасанно” фестивали ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлардан биридир.

Тадбир қатнашчилари барча тақдим этилган миллий таомлардан татиб кўришди. Айниқса, ўзбек палови, ҳинд ладдуси, итальян спагеттисининг ўзига хос хусусиятлари, тайёрланиш жараёни кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Якунда пазандалар танловининг ғолиблари эълон қилинди. Унга мувофиқ, бош соврин хитойлик ошпазларга насиб этди. Италиялик пазандалар биринчи, ўзбекистонлик ва мисрлик ошпазлар иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллади. Улар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Биз тадбирда халқимиз севиб истеъмол қиладиган балиқ ва бақлажон уйғунлигидаги тофу пао, товуқли гунбау, мол гўштидан тайёрланадиган баоцзи сингари йигирмага яқин миллий таомларимиз билан қатнашдик, — дейди хитойлик Вонг Су Тау. — Улар кўпчиликка маъқул келганидан хурсандмиз. Фестивалда турли халқларнинг урф-одат ва анъаналари билан яқиндан танишиб, жуда катта таассурот олдик.

“Тасанно — 2015” доирасида юртимизнинг турли ҳудудларига хос миллий либослар намойиши, рангтасвир усталарининг ижодий ишлари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

М. ТОЖИБОЕВА.

Обод турмуш манзаралари

Иштихон туманида 11 ижтимоий соҳа объекти фойдаланишга топширилди.

Истиқлол берган имкониятлар самараси бугун ҳаётимизнинг барча жабҳасида ўз аксини топмоқда. Пировардида тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида юксак марраларни забт этаётган халқимиз ютуқлари келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланаяпти. Ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти юксалиб, юртдошларимиз турмуши тобора фаровон бўлиб бормоқда.

ЭЪТИБОР

Кейинги йилларда беқиёс янгиланишлар туфайли Самарқанд вилоятининг шаҳару қишлоқлари ҳам кўркам қиёфа касб этаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунёд этилаётган боғу хиёбонлар, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, замонавий корхоналар, муҳташам турaржойлар аҳолининг нафақат ҳаёт даражаси, балки дунёқарашини ҳам тубдан ўзгартирмоқда. Масалан, мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги байрами арафасида биргина Иштихон туманида жами 9 миллиард 587 миллион сўмлик 11 ижтимоий соҳа объекти фойдаланишга топширилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Туман Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими биноси — ана шулардан бири. У аҳоли орасида “Бахт уйи” номи билан аталади. Бу ерда ҳар куни мустақил ҳаётга қадам қўяётган ўнлаб йигит-қизлар никоҳдан ўтишади. Демак, унинг ўз номига муносиб равишда кўркам масканга айлангани ҳаётий талаб.

— Илгари биномиз кўримсиз ҳолатда эди, — дейди Иштихон тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Шаҳло Қўчқорова. — Бу ерда “Зойир Мансур” хусусий корхонаси қурувчилари томонидан 239 миллион сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди. Шунингдек, кутиш ҳамда тантаналар заллари, архив хоналари замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Ҳозир бўлимимизга мурожаат қилувчиларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш имконига эгамиз.

Сўлим боғ ва хиёбонлар — юрт кўрки. Қолаверса, бундай мафтункор гўшалар турмуш фаровонлигимизни акс эттирувчи кўзгу ҳамдир. Шу боис истиқлол йилларида халқимизнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун муносиб шароит яратишга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иштихон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғи эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Яқинда бу ерда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ўқитувчиси Акмал Соатов лойиҳаси асосида мусиқали фаввора бунёд этилиши ушбу гўша файзига файз қўшди. Мазкур гидроиншоот турли наволар оҳангига уйғун равишда 18 рангда жилоланади. Ундан 20 метр баландликка отилиб чиқаётган зилол сув эса ажойиб микроиқлим ҳосил қилиб, ён-атрофга салқинлик улашади. Айни пайтда маданият ва истироҳат боғи ҳар қачонгидан гавжум.

Бундан ташқари, энг улуғ, энг азиз айём арафасида туманнинг Зарбанд ҳамда Арабхона қишлоқларидаги умумий ўрта таълим мактаблари биноси янгидан барпо этилгани, “Чордара” ва “Ўрта” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 53, 60 ва 68-мактаблар, Иштихон қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи бинолари реконструкция қилингани, бир қанча савдо, маиший хизмат, автотеххизмат кўрсатиш объектлари фойдаланишга топширилгани туман аҳли учун байрамга муносиб туҳфа бўлди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ

кафедралар бўйича қуйидаги бўш (вакант) ўринларга юқори малакали мутахассислар танловини эълон қилади.

1. Санъат тарихи ва назарияси кафедраси: кафедра мудири, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин.
2. Хореография кафедраси: кафедра мудири, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин.
3. Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Олий мактаб манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй.
Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 256-33-59, 256-36-91, факс: (0-371) 256-24-36.

Ректорат.

1309A/624

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 391 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5